



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUG‘I

2021 yil “30” 11

№ 272

Toshkent sh.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги бирламчи тиббий-санитария муассасаларида юритиладиган тиббий ҳисоб ҳужжат шакллари қайта кўриб чиқиш ва соддалаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги барча даволаш-профилактика муассасаларида юритиладиган тиббий ҳисоб ҳужжат шакллари такомиллаштириш тўғрисида”ги 363-сон буйруғи билан тасдиқланган тиббий ҳисоб ҳужжатларини жойлардаги тиббиёт ходимлари томонидан билдирилган эътироз ва таклифларни инобатга олган ҳолда тиббий ҳисоб ҳужжатлари шакллари янада соддалаштириш ҳамда тиббиёт ходимларининг ортиқча қоғозбозлик билан боғлиқ бўлган юкламаларини камайтириш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Бирламчи тиббий-санитария муассасаларида юритиладиган тиббий ҳисоб ҳужжат шакллари янада соддалаштириш ва қисқартириш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Ишчи гуруҳи таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Бирламчи тиббий-санитария муассасаларида юритиладиган тиббий ҳисоб ҳужжат шакллари соддалаштириш ва қисқартириш бўйича Ишчи гуруҳи раҳбари (А.Иноятов)га:

бирламчи тиббий-санитария муассасаларида (оилавий шифокор пункти, оилавий поликлиника ва кўп тармоқли марказий поликлиника) юритиладиган тиббий ҳисоб ҳужжат шакллари тўлиқ ўрганиб чиқиш;

ҳар бир тиббий ҳисоб шакллари соддалаштириш ва ортиқчасини қисқартириш бўйича асосланган таклифларни жорий йилнинг 5 декабрига қадар Соғлиқни сақлаш вазирига тақдимот қилсин.

3. Мазкур буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Вазир



Б. Мусаев

Соғлиқни сақлаш вазирининг
2021 йил 30 ноябрь даги
272 сон буйруғига
илова

**Бирламчи тиббий-санитария муассасаларида юритиладиган тиббий
хисоб ҳужжат шакллари соддалаштириш ва қисқартириш бўйича
Ишчи гуруҳи таркиби**

№	ФИШ	Лавозими
1.	А.Иноятов	Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари (гуруҳ раҳбари)
2.	У.Рискиев	Даволаш-профилактика ёрдамани ташкиллаштириш бош бошқармаси бошлиғи
3.	А.Усманов	Бирламчи тиббий-профилактика ёрдамани мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи
4.	Ф.Санаев	Матбуот ва PR хизмати бошлиғи
5.	М.Кучкарова	Тиббий статистика ва маълумотлар таҳлили бўлими бошлиғи
6.	Р.Изамов	Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палата раиси
7.	М.Мухамедова	Мирзо Улуғбек туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи
8.	Х.Хусанова	Сергили туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи
9.	С.Мавлонов	Яккасарой туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи
10.	Б.Хасанов	IT-MED МЧЖ раҳбари
11.	Г.Махкамова	29-сон оилавий поликлиникаси оилавий шифокори
12.	Х.Аманова	Яшнобод туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси оилавий шифокори
13.	Ш.Анакова	Яшнобод туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси патронаж ҳамшираси
14.	М.Жиянова	Чилонзор туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси оилавий шифокори
15.	Д.Норхаджаева	Чилонзор туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси катта ҳамшираси